

## ҚОЗОҒИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дусбекова Хуршида Пардаевна

Тошкент давлат Шарқшунослик университети  
мустақил тадқиқотчиси

**Калит сўзлар:** миграция, мигрант, муҳожир, меҳнат бозори, миллий-этник, сервис, демография, квота, доллар.

**Ключевые слова:** миграция, мигрант, иммигрант, рынок труда, национально-этнический, услуга, демография, квота, доллар.

**Key words:** migration, migrant, immigrant, labor market, national-ethnic, service, demography, quota, dollar.

## ҚОЗОҒИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

### Аннотация:

Ушбу мақолада Қозоғистоннинг ички меҳнат бозорида ташқи мигрантларнинг кириши, бунда хотин – қизлар улушининг алоҳида хусусиятлари ёритилди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон учун ташқи меҳнат миграциясида Қозоғистоннинг тутган ўрни, унинг айрим жиҳатлари, шаклланиш йўналишлари ва бугунги ҳолати таҳлил этилди. Мамлакат минтақадаги меҳнат мигрантларига эҳтиёжи баланд, нисбатан юқори маош берувчи ва меҳнат муҳожирларига хайрихоҳ муносабат ўрнатган ҳудуд ҳисобланади.

## НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ ЖЕНЩИН В КАЗАХСТАНЕ

### Аннотация:

В данной статье освещены выход иностранных мигрантов на внутренний рынок труда Казахстана, в частности, отдельные особенности доли женщин. Проанализирована роль Казахстана во внешней трудовой миграции для Узбекистана, Таджикистана и Кыргызстана, некоторые ее аспекты, направления формирования и сложившаяся ситуация. Потребность страны в трудовых мигрантах в регионе высока, это относительно высокооплачиваемый и дружественный к мигрантам регион.

**SOME FEATURES OF WOMEN'S LABOR MIGRATION IN KAZAKHSTAN****Annotation:**

This article highlights the entry of foreign migrants into the domestic labor market of Kazakhstan, in particular, individual features of the share of women. The role of Kazakhstan in external labor migration for Uzbekistan, Tajikistan and Kyrgyzstan, some of its aspects, directions of formation and the current situation are analyzed. The country's need for labor migrants in the region is high, this is a relatively highly paid and migrant-friendly region.

Сўнгги йилларда жаҳон меҳнат бозори орқали деярли барча мамлакатларга меҳнат мигрантлари кириб борди ва бу мазкур давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туб бурилишларга, салбий-ижобий тараққиётга туртки бўлмоқда.

Бироқ олимларнинг таъкидлашича, меҳнат миграцияси географик ва этник омиллар сабаб турли қиёфа ва хусусиятда шаклланади, тараққиётга турли йўналишларда таъсир кўрсатади. Шу боис нафақат минтақалараро балки давлатлараро меҳнат миграцияси масалалари чуқур ўрганилиши, уларнинг ўзаро мувозанати ва шаклланиши, мазмун – моҳияти таҳлил этилиши бугунги куннинг барча фанлари олдида турган муҳим заруратидир.

Хусусан, Ўзбекистон меҳнат бозорининг ташқи миграция таснифи унга қўшни бўлган мамлакатлардаги миграцион вазиятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, буни мамлакатларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатишининг инкор этиб бўлмас масалалари борки, уни таҳлил этиш, мунтазам хушёр кузатув асосида ўрганиб бориш иккала мамлакат учун ҳам муҳим стратегик масала ҳисобланади.

Биргина энг яқин қўшни мамлакат сифатида Қозоғистон меҳнат муҳожирлигининг тафсилотлари ўрганилар экан, бу жараён иккала миллат учун ҳам тарихан чуқур илдизли ҳодиса бўлиб чиқади.

Аввало Қозоғистоннинг жанубий вилоятларида яшайдиган кўп сонли ўзбеклар Ўзбекистон ва Тожикистондан иш излаб боровчи меҳнат мигрантлари, хусусан аёл муҳожирлар учун миллий-этник ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим ва тўғри танлов эканлиги кўзга ташланади. Қозоғистон бутун дунёдан кириб келувчи барча меҳнат муҳожирларига очик давлат эканлигига қарамай, айниқса мамлакатнинг жанубидаги меҳнаткашларнинг қарийб 85%ини ўзбек ва тожик хотин-қизларидан иборат меҳнат муҳожирлари ташкил этиши ҳатто халқаро статистикаларда ўз аксини топмоқда.[1]

Қозоғистон меҳнат миграцияси умумий қиёфаси асосан ёшлар кесимида мигрантларни қабул қилиши билан ажралиб туради. Дарҳақиқат мамлакат асосан меҳнатга лаёқатли, бироқ 25-35 ёшгача бўлган меҳнат муҳожирларига ўз бозорларини очиб берган.

Мамлакат фаол миграцион ҳудуд бўлиб, меҳнат бозоридаги юмуш турига қараб чет эллик фуқароларга эҳтиёж сезади. Масалан, Ўзбекистондан борувчи меҳнат муҳожирларининг аксари эркаклар бўлиб, мамлакатнинг барча ҳудудларида асосан оғир меҳнатлар-қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби соҳаларни эгаллашган. Шунингдек ўзбек ошхонасига бўлган эҳтиёж ва мухлислик сабаб миллий таомлар ошхоналари тизими фаолитяти учун ҳам ўзбекларга таклиф бирмунча кўп. Қўшни Қирғизистондан эса мамлакатнинг Олмаота ва Остона шаҳарларида асосан савдо соҳасида банд бўлиш учун хотин-қизлар таклиф этилади. Маҳсулот савдосида албатта аёлларда устунлик туғма қобилият туфайли машаққати оғир бўлмаган хизмат кўрсатиш, сервис, уй хизматчиси ва савдо ходими каби касбларни асосан қирғиз хотин-қизлари эгаллаган.

Бироқ юқоридаги кўрсаткичларга қарамай ўрганилаётган мамлакат жанубий вилоятларида асосан ўзбекистонлик ва тожикистонлик аёл мигрантларни учратиш мумкин.

Қозоғистондаги аёллар миграцияси одатда ўртача узоқроқ муддатга ишга қабул қилиниши билан характерланади. Масалан камида 1 йилдан - 8 йилгача, яъни мигрантлар келган ҳудудларнинг яқинлигига қараб (масалан маълум бир экинни экиб-ҳосил йиғилгунга қадар) ярим йил ёки 7-8 ойни ташкил этса, доимий ишловчи корхоналарда ишга жойлашганлар учун 8-10 йилгача бўлган муддатларда шартномалар тузилиши мумкин. Шу боис Қозоғистонга ишга кетиш ва уйга ортга қайтишнинг ўзига хос "жадвали" мавжуд. [2]

Баъзан бу муддатларнинг ҳеч бирига тегишли бўлмаган муддатларда ҳам иш берувчининг ишончини қозониш ва узоқ йиллар муқом ишчи сифатида ўрнашиш мумкин албатта. Бундай схема иш берувчининг талабини ҳам, пудратчининг эҳтиёжини ҳам қондиради ва ходимнинг интизомли меҳнати ва иш берувчининг жавобгарлиги кафолатига айланади. Бироқ, бундай “ишонч”га кириш мигрант аёллардан тартибли масъулиятлилики талаб этади ва кўпроқ ҳаракатчан бўлиш ҳаётий заруратга айланади.

Меҳнат миграцияси доирасида аёлларнинг тақсимланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Эркак меҳнат муҳожирларининг ёши катталари кўпроқ манфаатлироқ бўлса (характери шаклланиб бўлган, ҳаётнинг паст-баландларидан бирмунча ўтган 30-45 ёшгача бўлган эркаклар), хотин-қизлар меҳнат миграцияси асосан ёшлардан иборат бўлиши билан характерланади. Айниқса ўз мамлакатидан чиқиб кетаётган ёш аёл меҳнат муҳожирларининг кейинги тақдири борилаётган давлат билан боғланиб кетиши эҳтимоли ҳам эркакларга нисбатан катта. Шу боис Қозоғистон учун ҳам ёш хотин-қизларнинг меҳнат мигранти сифатида кириб келиши, кейинчалик мамлакат демографиясига сезиларли натижа бериши билан ҳам манфаатлидир.

Бундан ташқари, ёш аёллар меҳнат миграцияси учун мўлжалланган мамлакатда иш берувчилар учун афзалроқдир. Мигрантни ёллашда иш берувчи уни иложи борича кўпроқ жалб қилишга ҳаракат қилади. Унинг учун ҳаракатчанлик, меҳнат қобилияти ва бошқалар (айниқса ёш болалари ва оиласи) билан боғлиқ муаммолар бўлмаслиги жуда муҳимдир. [3]

Буни баҳсли жиҳатдан таҳлил қилсак, кекса авлод вакиллари профессионал жиҳатдан кўпроқ тажрибага эга, аммо мигрантларни иш билан таъминлаш махсус кўникмаларни талаб қилмайди, бироқ жисмоний ресурслар, масалан ишчининг ёш, соғлом ва эркин шахс бўлиши иш берувчи учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, барча Осиё мамлакатларининг ахлоқ билан боғлиқ анъаналарига кўра, минтақадаги кекса одамларга нисбатан хурматли муносабат омили ҳам алоҳида рол ўйнайди: ота-оналари тенгги инсонларга иш буюриш ёки қаттиққўллик билан талабчанлик тақозо этилганда бироз ноқулай вазиятлар юзага келиши мумкин. Шунингдек, мазкур худудларда аксарият ёшларнинг иш излаб мигрант сифатида мамлакатни тарк этиши ҳам, уларнинг азалий анъаналарига мувофиқ уйдаги кексаларни - ота-оналарини мусофирлик машаққати ва оғир меҳнатга раво кўрмасликларидир.

Қозоғистонда аёлларнинг меҳнат миграцияси оилавий миграция сифатида, айниқса кишлоқ хўжалиги ишларида кўпроқ намоён бўлади. Биринчидан, сиз кўпроқ пул ишлашингиз мумкин; иккинчидан, аёл учун мигрант меҳнатининг қийинчиликларига дош бериш осонроқ бўлади.

Кишлоқ хўжалигида ишлаган қирғизистонлик аёлнинг ҳикоясидан:

"Қозоғистонга ишга кетаётган аёл фақат оиласи билан келишини билиши керак. Бунинг устига иш берувчи кўпинча эр-хотинларни олади, чунки бу унга кўпроқ фойда келтиради. Сабзавотлар билан ишлаш қийин, сиз сабзавот сумкаларини кўтаришингиз керак ва аёл учун бу қийин. Эгаси учун ҳар куни иш учун ёлғизларни ёллашдан кўра, оилани ёллаш ва ўз ҳовлисида яшаши фойдалироқ. Аёлга фақат оила ва эр ёрдам бериши мумкин, эр у ерда оғирроқ ишларни бажаради."

Умуман халқаро миграцияда иш изловчиларнинг айнан Қозоғистонни танлашининг асосий сабабларидан бири бу мамлакатда бўлиб турган мигрантларнинг юқори даромад олиши, бу ерда мусофир сифатида яхши ҳолатда яшаши ва умумий атрофлича шароит ҳақида ижобий фикр билдиришидир. Бу жиҳатга айниса бир нечта мамлакатларни кезиб меҳнат қилувчилар жуда эътиборли бўлиб, сўнгги йилларда ҳар томонлама кафолатган меҳнат шароитлари яратилган давлатларгина сифатли миграцияни қўлга киритаётгани сир эмас. Ўтган асрга нисбатан бугунги кунда халқаро меҳнат миграцияси жадал ривожланиб бораётгани ҳам нисбатан арзон шу билан биргаликда сифатли ишчи кучини ёллашда мамлакатлараро ижобий рақобат ўсиб боришини кўрсатади. Ушбу ҳолатлар миграция тўғрисида қарор қабул қилишнинг асосий рағбатлантирувчиси бўлиб, натижада меҳнат бозорининг ривожланиши бир томондан, иккинчи томондан мамлакат ҳақида халқаро майдонда ижобий фикр ёйилишига, унга нисбатан ишончсизлик йўқ бўлишига олиб келади.

Бироқ халқаро меҳнат миграциясининг дунё бўйлаб йирик муаммоларидан бири бу мигрантлар томонидан содир этиладиган турли ҳуқуқбузарликлар бўлиб, ижтимоий даражаси ва оқибатига кўра мамлакат учун турли салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Албатта Қозоғистон ҳам бундан мустасно эмас.

Шу боис мамлакатда ушбу масала ҳуқуқмат даражасида назорат олинади, доимий таҳлилий ўрганиш кун тартибида туради.

2019-йилнинг 20-декабр куни Қозоғистон Республикаси Президенти жаноб Қосим-Жомарт Тоқаев хорижий ишчи кучини жалб қилувчи корхоналарда меҳнат ва миграцияси қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича текширув ўтказилганини маълум қилди. Унинг аниқлик киритишича, 95 та корхона текширилиб, жами 930 та қоидабузарлик аниқланган. Бу шуни кўрсатадики, ҳар бир корхонада ўндан ортиқ қонунбузарликлар содир этилиши бу меҳнат бозори қўлга киритаётган ютуқлардан кўра йўқотишлар кўп бўлиши эҳтимолини оширади. Шу боис давлат раҳбари Қозоғистонда чет эл ишчи кучини жалб қилиш квотасини босқичма-босқич қисқартирилишига ваъда берди. Шу мақсадда мазкур қисқариш тахминан 40 фоизни ташкил этди, яъни 2019 йилдаги 49 мингдан - 2020 йилда 29 минггага камайтирилди.[4]

Шуни ўринда таъкидлаш муҳимки, хотин-қизлар меҳнат миграцияси нисбатан жиноятчилик хавфи паст бўлган жараён бўлиб, бунга аёлларнинг жиноятга мойиллиги пастлиги, улар кўпроқ оила ва фарзандлари хотиржамлиги учун асосий нуқтаи назарини ушбу ракурсга қаратишидадир.

Бироқ бир қанча тўсиқлар ёки чекловлар бўлишига қарамай қўшни мамлакатлардан Қозоғистон мигрантлар оқими тўхтамади. Мигрантларнинг ўз ҳикояларидан иқтибослар бунинг тасдиғидир: Қирғизистонлик аёл мигрант ўз ватанида эри моторист касби ортидан мўмай даромад топса-да, маошидан атиги 50 долларгина заҳира сифатида ортиши уларнинг яшашдан бошқа орзулари ушалмаслигининг белгиси эди. Шу боис қўшни мамлакатга иш излаб оилавий келишди.

Худди шунингдек, уй хизматчиси бўлиб ишлаган ўзбекистонлик аёл интервьюси: "Қозоғистон яхши мамлакат, яхши маош, иш бор, дейишди. Ота-онаси вафот этгандан сўнг, у акаси билан ёлғиз қолди, синглиси бу ерда ишлади, у бу ерга таклиф қилди. Қозоғистонга келишдан мақсад пул топиш, оилага ёрдам беришдир. Мен биринчи марта 2006 йилда келганман, синглим билан келганман, у аллақачон шу ерда ишлаган ва менга ҳам иш топиб, таклиф қилган эди. Мен одатда Қозоғистонда 5-6 ой тураман ва ишлайман, уйда тахминан 20 кун меҳмонда бўламан. Қозоғистонда ишлашни яхши кўраман, чунки барча шароитлар мавжуд, доимий кафолатланган ишим бор, яхши маош оламан, одамлари яхши, камситмайди, хавфсизлигимиз ҳам кафолатланган".

Бу фикрлар албатта мамлакатга меҳнат миграцияси бўйича асосий талабгир давлатлар бўлган Ўзбекистон ва Қирғизистон томонидан билдирилган энг юқори баҳодир. Чунки мигрант учун доимий ва юқори маош, хавфсизлик ва муқим жойлашиш булар энг асосий компонентдир.

Қозоғистон муҳожир аёллар учун ишлаш, ноқонуний меҳнат фаолияти билан барқарор шуғулланиши учун қулай ҳудуд бўлиб, муҳими уларнинг моддий фаровонлигини яхшилашга ёрдам беради. Қозоғистон стандартлари бўйича уларнинг иш ҳақи унчалик юқори эмас, (маҳаллий аҳолини бунақа маош билан ишлата олмайди) аммо муҳожир аёллар учун бу уларни ўз уйларидаги ишсизлик ва камбағаллик ҳолатидан чиқишнинг ягона имкониятидир.

Мамлакатда муҳожирлар учун меҳнат бозорининг яна бир қулай томони бир пайтнинг ўзида бир ва ундан ортиқ жойларда ишлаш ва даромадини ошириш

имконияти ҳам берилган. Аксар мамлакатларда касбсиз ва малакасиз меҳнат муҳижирлари бир жойда ва маълум чекловлар асосида ишга олинади ва арзимаган маош билан чеклаб қўйилади.

Икки жойда ишлаб пул топиш ҳар ойда ватанида қолган оиласига пул жўнатувчи хотин-қизлар учун бир маошни жўнатса иккинчи маошини жамғариш имконини беради.

Савдо-сотиқ ва уй хизматчиси соҳаларидан бошқа барча соҳаларда хотин-қизлар деярли кўпроқ жойда ишлашга ҳаракат қилишади. Савдо соҳасида ишлаган қирғизистонлик аёлнинг ҳикоясидан баъзи фактлар: "Биз ойига ўртача соф фойда 300 доллар ишлаб топамиз, қолган пулни айланма даромадага-маъсулот сотиб олишга мажбурмиз".

Бироқ даромад бироз пастроқ бўлса, нисбатан тинч меҳнат бўлгани боис ўзбекистонлик мигрантлар Қозоғистонда асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини танлашади.

Масалан, Атирау вилояти ҳокими ўринбосари Қайрат Нурлибоев "Атамекен Бусинесс" журналистига берган интервьюсида надомат билан шундай деди: "Вилоят ҳокими томонидан ҳар йили қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун махсус грантлар ажратилади, афсуски, вилоятда 2-3 нафар талабгор бор, ҳаттоки улар ҳам ўқишга кириш учун энг юқори балл тўплай олмаяпти. Биз муаммонинг бундай ечимини топишга мажбур бўляпмиз, яъни талабгор бўлишимиз заҳоти 600 нафар Ўзбекистон фуқаролари минтақага чартер бўйича учиб келди ва иш билан таъминланди. Бугунги кунда минтақа далаларида меҳнат қилаётганларнинг 70 фоизи мигрантлардир.[5]

Агар мана шу рақамларнинг 35-40 фоизи хотин-қизлар деб ҳисобласак, демак 250 нафарга яқин аёллар бир пайтнинг ўзида мамлакатнинг биргина ҳудуди қишлоқ хўжалигидаги асосий ишчи кучи саналади.

Бунинг устига хорижий мигрантлар учун нисбатан юқори маош ҳам уларнинг бу мамлакатга оқими тўхтамаслигининг асосий сабабидир. Қозоғистон статистикаси:

- 1993 йил – 27,29 доллар;
- 1994 – 48,4 доллар;
- 1995 – 78,5 доллар;
- 1996 – 101,6 доллар;
- 1997 – 113,2 доллар;
- 2001 – 118 доллар;
- 2005 – 256,3 доллар;
- 2010 – 526,7 доллар;
- 2013 – 717,4 доллар;
- 2014 – 675,3 доллар;
- 2015 – 568,3 доллар;
- 2022 – 659,1 доллар;
- 2023 – 740,4 доллар;



• 2024 (I квартал) – 852,08 доллар ойлик маош кўрсаткичининг ўзиёқ Ўрта Осиёда аниқ юқори малакали маълум бир касб эгаси бўлмаган аёл мигрантлар учун жуда яхши имкониятдир.[6]

Умуман олганда, Қозоғистонда меҳнат миграцияси маҳаллий аҳоли учун одатий ҳолга айланди ва ишга келган муҳожирларга тенг муносабатда бўлиш аллақачон қадриятга айланиб бормоқда. Аммо дискриминация муаммолари (миллати, жинси бўйича), қоида тариқасида, жаҳон амалиётида миграция жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, Қозоғистон ҳам бундан мутлақо ҳоли эмас албатта. Турли ҳаётий вазиятлар инсоннинг ўз мамлакатида ҳам бўлиши мумкин бўлганидек бу мамлакатда ҳам содир бўлади. Бироқ Россия Федерациясининг Москва шаҳридаги йирик савдо марказларидан бири Крокус сити маллдаги воқеалардан сўнг рус халқи тафаккурида тожик миллатига мансуб мигрантларга нисбатан уйғонган кўнгилсиз туйғу натижасида юзага келган кўплаб дискриминация ҳолатлари каби нохуш ҳодисалар Қозоғистонга хос эмас.

Бироқ, баъзан мигрантлар савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган маҳаллий аҳолининг ёмон муносабатига дуч келишлари учраб туради. Улар меҳнат бозоридаги манфаатларини ҳимоя қилиб, муҳожирларнинг рақобатидан қўрқишади. Мана шу каби омиллар ҳатто, келажакда миграция ўсиши билан Қозоғистон жамиятида муҳожирларга қарши кайфиятнинг кучайишини кутиш мумкин, бу эса иқтисодий инқироз оқибатларига қараб ҳаракатланиши мумкин.

Шунингдек, Қозоғистон меҳнат миграциясида ҳам айрим муаммолар учрайди. Уй-жой топиш меҳнат муҳожирлари учун янги жойни ташкил қилиш жараёнида қийин вазифага айланади. Уйни ижарага олиш нархи кўп ҳолларда мигрантга тўланадиган иш ҳақидан баланд бўлади. Бу ҳолатда мигрантнинг биргина йўли шу пулни тежаб, "қўл остида" бўлган иш берувчи таклиф қилган ҳар қандай уй шароитида яшайдилар ва шу билан ўзларини минимал санитария меъёрларига ҳам мос келмайдиган яшашга маҳкум этадилар.

Мигрантларнинг янги шароитларга муваффақиятли мослашувининг муҳим омили ижтимоий хизматлардан, шу жумладан тиббий ёрдам ва таълим тизимидан фойдаланишдир. Қозоғистонда меҳнат муҳожирларига, уларнинг ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда муаммо йўқ. Бироқ, мигрантларнинг иш билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тиббий ёрдам олишда фарқлар мавжуд. Савдо ва хизматлар соҳасида аёл биринчи навбатда эгасининг кундалик даромад олиш билан боғлиқ манфаатларига боғлиқ. Иш берувчи агар ходими бемор бўлса унинг бу муаммосини имкон қадар тезроқ аниқлагани маъқул. Талаб кескин қўйилади – "агар касал бўлсангиз, бошқасига жой беринг", айниқса бу ишчининг ўрнига бошқасини тезда топиш мумкин бўлган шароитда.

Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган муҳожир аёлларда ҳам худди шундай ҳолат мавжуд: иш берувчи ўзи ёллаган муҳожирларининг тўлиқ меҳнат қила олиши учун уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга масъулдир. Шу муносабат билан у ўз-ўзидан

шошилич равишда тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Қирғизистонлик савдо-сотикда ишлаган аёллардан олинган факт: "бир марта мен жуда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Мен стюардессага бир неча кун ётишим жоизлиги ҳақида хабар берганимда, у рухсат бермади. Бу унга ёқмаслигини очиқ айтди ва бўлимдан воз кечиб, ишдан кетинг, деди. Албатта ишни йўқотмаслик учун мен гриппни оёқларимда ўтказдим. Бу ҳолат мен учун руҳий жиҳатдан оғир ва жисмонан оғриқли эди, аммо менда танловсиз ягона йўл бор эди".

Меҳнат миграцияси ҳақида гапирганда, жамиятда яшашнинг санитария-эпидемиологик меъёрларига таъсир қилмаслик мумкин эмас. Қозоғистонга ишлаш учун келган меҳнат муҳожирлари маҳаллий аҳоли томонидан соғлигига келажакда хавф туғилувчи инфекцияларнинг ташувчиси сифатида хавотирга солса, иккинчидан мигрантлар томонидан содир этиладиган жиноятлардир.

2019-йилнинг 20-декабр куни Қозоғистон Республикаси Президенти жаноб Қосим-Жомарт Токаев хорижий ишчи кучини жалб қилувчи корхоналарда меҳнат ва миграция қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича текширув ўтказилганини маълум қилди. Унинг аниқлик киритишича, 95 та корхона текширилиб, 930 та қоидабузарлик аниқланган. Шунга асосан, давлат раҳбари Қозоғистонда чет эл ишчи кучини жалб қилиш квотаси қисқартирилишига ваъда берди. Бу қисқариш тахминан 40 фоизни ташкил этган - 2019 йилдаги 49 мингдан 2020 йилда 29 минггача.[7]

Қозоғистон хориждан ўрта қатлам ишчи кучини энг кўп жалб этувчи давлатлардан бири бўлгани учун ҳам меҳнат миграциясининг ташкилий – ҳуқуқий масалаларини тизимлаштириши, халқаро стандартларга мослаштириши ва ҳукумат даражасида бошқариши шарт.

Мавжуд турли хил маълумотларни таҳлил қилиб, Қозоғистонда меҳнат миграцияси, айниқса кичик ва ўрта бизнес соҳасида аллақачон хорижий ишчилар мустақкам ўрин эгаллаганлигини кўриш мумкин. Бу барча соҳада кўшни давлатлар, айниқса Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон фуқароларининг бандлиги юқори кўрсаткичларда таъминланганини кўрсатади. Айни пайтда маҳаллий аҳолидан кўра меҳнат муҳожирларини ишга олишнинг афзалликлари борки, иш берувчилар ҳам четдан иш излаб келганларни ишга ёллашни афзал кўради:

- меҳнат муҳожирлари маҳаллий аҳолига қараганда турли сабабларга кўра иш берувчининг олдида деярли талаб қўймайдилар;

- аксарият ҳолларда улар иш берувчи томонидан таклиф қилинган ҳар қандай иш ҳақида рози бўлишади;

- ишни бажараётганда, улар имкон қадар тезроқ уни тугатишга қизиқишади (яъни улар ғайритабиий, меъеридан ортиқ куч сарфласа ҳам, муҳими ишни яқунлаб, кўпроқ даромад олса бўлди), чунки кейинчалик улар ўзлари учун бошқа иш топишлари ва шу билан умумий даромадларини оширишлари мумкин;

- улар бажарадиган ишларнинг сифати, тегишли касбий малакага эга бўлишидан қатъий назар, иш берувчиларга мос келади. Малака талаблари деярли йўқ;



- юқори маош сўрамайди, аксинча маош таклифи ишга олувчидан тушади;
- яшаш учун деряли комфорт шароит сўрамайди ва борича таклифни маъқуллайди.

1. “Гендерные аспекты трудовой миграции в Республике Казахстан: экспертная оценка”. Журнал. Алматы-2012. С.17
2. Алимбекова Г.Т. Женская трудовая миграция в Казахстане. Алматы.С.2.
3. «Трудовая миграция: зарубежный опыт и особенности законодательства Казахстана» национальный тренинг. Нур-Султан. 2020. 12-13 февраль.С.17
4. «Трудовая миграция: зарубежный опыт и особенности законодательства Казахстана» национальный тренинг. Нур-Султан. 2020. 12-13 февраль.С.18
5. Informburo.kz.<https://informburo.kz/cards/trudove-migranty-v-kazaxstane-kto-oni-otkuda-i-skolko-zarabatyvayut>
6. Zakon.kz/ Зарплата казахстанцев в долларах стала максимальной, но "зеленый" обесценился.06.06.2024.
7. «Трудовая миграция: зарубежный опыт и особенности законодательства Казахстана» национальный тренинг. Нур-Султан. 2020. 12-13 февраль.С.18
8. «Трудовая миграция: зарубежный опыт и особенности законодательства Казахстана» национальный тренинг. Нур-Султан. 2020. 12-13 февраль.С.18